


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

60530500 - Геология (фаолият соҳаси бўйича)
бакалаврият таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
- Х.М.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалари”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака раъмасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	60530500 - Геология (фаолият соҳаси бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1.	60530500 - Геология (фаолият соҳаси бўйича) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	60530500 - Геология (фаолият соҳаси бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи	4
1.2.1.	60530500 - Геология (фаолият соҳаси бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2.	60530500 - Геология (фаолият соҳаси бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	4
1.2.3.	60530500 - Геология (фаолият соҳаси бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4.	60530500 - Геология (фаолият соҳаси бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2.	60530500 - Геология (фаолият соҳаси бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	6
2.1.	Умумий компетенциялар.....	6
2.2.	Касбий компетенциялар.....	6
	Библиографик маълумотлар.....	7
	Келишув варақаси.....	8

1. 60530500 - Геология (фаолият соҳаси бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи

60530500 - Геология (фаолият соҳаси бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси.

1.1.1. 60530500 - Геология (фаолият соҳаси бўйича) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби 60530500 - Геология (фаолият соҳаси бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

-бакалаврият битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

-таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

-олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

-олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

-кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

-олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг она-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60530500 - Геология (фаолият соҳаси бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 60530500 - Геология (фаолият соҳаси бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

60530500 - Геология (фаолият соҳаси бўйича) – бакалаврият таълим йўналиши – табиий билимлар соҳасидаги йўналиш бўлиб, геология соҳасини ривожлантиришга, истиқболли белгилашга, касбий кўникмага, мутасаддилик қобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари, методлари ва услубларининг мажмуасини ўз ичига олади.

1.2.2. 60530500 - Геология (фаолият соҳаси бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида;

- табиатни муҳофаза қилиш билан шуғулланувчи ташкилотларда;

- Ўзбекистон республикаси қурилиш вазирлик тармоқларида;

- Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитасида тассаруфидаги Хавфли геологик жараёнларни кузатиш бўйича Давлат хизмати;

60530500 - Геология (фаолият соҳаси бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:

- Геологик ишларини амалга ошириш ва такомиллаштириши бўйича бўлинмалар, корхоналар, ташкилотлар, вазирлик ва идораларга маслаҳат ёрдамини кўрсатиш;
- Геологиянинг иқтисодий ривожланишини режалаштириши ва башорат қилиши;
- Геологиянинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиши ва тадбиқ қилиши;
- Геологик ишларни ташкил этиши ва бошқаришнинг илгор шакллари ва усулларини ишлаб чиқиши;
- Тегириши ва тадбиқ этиши, илмий тадқиқотлар ўтказишида фаол қатнашиши

1.2.3. 60530500 - Геология (фаолият соҳаси бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- илмий-тадқиқот;
- лойиҳавий-конструкторлик;
- ишлаб чиқариш-технологик фаолияти;
- илмий-тадқиқот фаолияти;
- Ташкилий-бошқарув.

1.2.4. 60530500 - Геология (фаолият соҳаси бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

60530500 - Геология (фаолият соҳаси бўйича) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир болиши лозим:

касбий фаолиятда дала геологик-разведка ишларини ўтказиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини тузиш услубларини ўзлаштирган бўлиши, фонд материалларини умумлаштириш ва таҳлил қилишни ҳисоблашнинг замонавий методларини қўллаш қобилиятига эга бўлиши;

касбий фаолиятда конларни техник-иқтисодий баҳолаш, техник – иқтисодий кўрсаткичларни аниқлашни билиши, иқтисодиёт ва унинг тармоқларининг ривожланиш қонунлари ва қонуниятларини мукамал билиши ва улардан фойдаланишни замонавий методларини қўллаш қобилиятига эга бўлиши;

бажарилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича фаолиятнинг ишлаб чиқариш ва технологик масалаларини фан ва техниканинг замонавий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда касбий ечиш қобилиятига эга бўлиши;

инсон соғлигини ва унинг ишчанлик қобилиятини сақлаш бўйича ҳамда меҳнат жараёнида хавфсизликни таъминлаш бўйича методика ва тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш қобилиятига эга бўлиши;

ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлиги бўйича мутахассисларга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш **қобилиятига эга бўлиши** керак.

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- берилган дастурлар бўйича тоғ жинслари ва уюшмалари, минераллар, маъдан ва номаъдан фойдали қазилмалар, геологик жараёнлар; ер қаърининг физик ҳолати ва кимёвий таркиби, ички тузилишини ишлаб чиқиш қобилиятига эга бўлиши;

- маҳсулот сифати ва уни сертификация қилишни таъминлаш жараёнларини таҳлил қилиш, синтез қилиш ва оптималлаштириш методларини ишлаб чиқиш қобилиятига эга бўлиши;

- Интернет тармоғида энг янги илмий, геофизик ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш қобилиятига эга бўлиши;

- илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш жамоаси таркибида (тайёрланганлик профилига мос равишда) касбий фаолият масалаларини ечиш **қобилиятига эга бўлиши** керак.

Лойиҳавий-конструкторлик фаолиятда:

- Геологиянинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш лойиҳасини тизимий ёндошув асосида автоматлаштирилган равишда ишлаб чиқиш қобилиятига эга бўлиши;

– бажарилаётган тажриба ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информатсион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқот қилиш қобилиятига эга бўлиши;

– лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш қобилиятига эга бўлиши;

– амалиётда информатсион технологияларнинг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий парадигма ва методологияларни, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини (тайёргарлик профилига мос равишда) қўллаш *қобилиятига эга бўлиши* керак.

Ишлаб чиқариш-технологик фаолиятда:

– намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш қобилиятига эга бўлиши;

– илмий ва амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш ва уларнинг эксплуатацияси қобилиятига эга бўлиши;

– касбий этика кодексига риоя қилиш *қобилиятига эга бўлиши* керак.

Йиғиш-созлаш ишларида:

– геологик компас,

– геологик микроскопларни,

– геологик бинокулярларни йиғиш ва созлаш *қобилиятига эга бўлиши* керак.

Ташкилий-бошқарув фаолиятда:

– ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш қобилиятига эга бўлиши;

– ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш қобилиятига эга бўлиши;

– ахборот технологиялар тизимини яратиш ва уларнинг эксплуатацияси билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш қобилиятига эга бўлиши;

– атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш қобилиятига эга бўлиши;

– муҳандислик ва конструкторлик ечимларини амалиётга тадбиқ қилиш қобилиятига эга бўлиши;

– ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш қобилиятига эга бўлиши;

– ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш қобилиятига эга бўлиши;

– фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш қобилиятига эга бўлиши;

– бирламчи конструкторлик, технологик ёки ишлаб чиқариш отряд ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш қобилиятига эга бўлиши;

– бажарилаётган иш режасини тузиш ва бу ишни назорат қилиш, ишни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш, ўз ишининг натижаларини баҳолаш қобилиятига эга бўлиши;

– ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳитни ва меҳнат хавфсизлигини назорат қилиш тизими талабларига мослигини мониторинг қилиш *қобилиятига эга бўлиши* керак.

2. 60530500 - Геология (фаолият турлари бўйича таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

– давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;

– хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида

фойдалана билиш;

- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллаш билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

- янги билимларни мустақил эгаллаш билиши, ўз устида ишлаш ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

- касбий фаолиятда дала геологик-разведка ишларини ўтказиш, лойиха-смета ҳужжатларини тузиш услубларини ўзлаштирган бўлиши, фонд материалларини умумлаштириш ва таҳлил қилишни ҳисоблашнинг замонавий методларини қўллаш қобилиятига эга бўлиши;

- касбий фаолиятда қонларни техник-иқтисодий баҳолаш, техник – иқтисодий кўрсаткичларни аниқлашни билиши, иқтисодиёт ва унинг тармоқларининг ривожланиш қонунлари ва қонуниятларини мукамал билиши ва улардан фойдаланишни замонавий методларини қўллаш қобилиятига эга бўлиши;

- бажарилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича фаолиятнинг ишлаб чиқариш ва технологик масалаларини фан ва техниканинг замонавий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда касбий ечиш қобилиятига эга бўлиши;

- инсон соғлиғини ва унинг ишчанлик қобилиятини сақлаш бўйича ҳамда меҳнат жараёнида хавфсизликни таъминлаш бўйича методика ва тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш қобилиятига эга бўлиши;

- ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлиги бўйича мутахассисларга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастурлари, профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври менежмент, тармоқлар ва соҳалар, малака талаблари, бакалавриятнинг ўқув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:
Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети



Ректор  И.У. Маджидов

2021 йил « 20 » 08

Х.М. Абдуллаев номидаги
Геология ва геофизика институти

Директор  А.К.Нурходжаев

2021 йил « 26 » 08

М.Ў.

КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни тағбиқ этиш маркази

Директор  М.Эсонов

2021 йил « 25 » 08

М.Ў.

Ислом Каримов номидаги Тошкент
Давлат Техника университети

Ректор  С.М.Туробжонов



М.Ў.

АЖ“Нефт ва газ конлари геологияси
хамда қидируви институти”

Директор  О.А.Қаршиев

2021 йил « 23 » 08



М.Ў.